

Яқинда Москва шахрининг машҳур «Пойтахт плюс» телеканалда Ўзбекистонга бағишланган кўрсатув намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, кўнгло-чар ва ахборот дастурлари билан бир қаторда, эфир вақтининг асосий қисми маданий-маърифий ва илмий-маърифий дастурларга бағишланади. Ушбу кўрсатув москваликлар ва Россия пойтахти меҳмонларига бугунги Ўзбекистон ҳаётининг турли соҳалари ҳақидаги маърифий маълумотлар олиш имкониятини берди.

“Яқинда ўзбек халқи иккита асосий, қувончли байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шахрининг 2200 йиллигини нишонлади, — деди бошловчи Елена Шиянова. — Мустақиллик йилларида мамлакат ҳаётининг деярли барча соҳаларида эришилган муваффақиятлар ушбу байрамга муносиб совға бўлди. Иқтисодийнинг юксалиши, халқ

фаровонлиги даражасининг кўтарилиши, маданий жиҳатдан тикланиш, шаҳарлар ва

рида ўсиш суръатлари кузатишмоқда”.

Кўрсатувда Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ҳолати, унинг инфратузилмаси, туризмнинг мамлакат ҳукумати томонидан ривожланиши ва бу соҳада хорижий давлатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида батафсил маъ-

ифтихори, шу билан бирга бутун дунё маданий-тарихий меросининг бебаҳо қисмидир” деган сўзлари ҳам эфирга узатилди.

Россияда чоп этиладиган “Дунёнинг тоғ-чанги курортлари” журналининг навбатдаги сонида Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги жозибадорлигига

рортлардан бири Чимён жойлашган. Шунингдек бу ерда “Билдирсой” тоғ-чанги спорт маркази барпо этилган. Чимён ва Билдирсой аввало ўзининг ажойиб манзараси билан машҳурдир. Бу ердан тоғ чўққилари кўринади, улар орасидан кумушранг тасмадек жилғаларнинг қиялаб оқиб тушиши манзарасини томоша қилиш мумкин. Бу ерда қор, худди чанги учуш учун мўлжаллангандай, жуда кўп ва қуруқ, мутахассисларнинг фикрига кўра, бу дунёда энг зўр қорлардан бири ҳисобланар экан”.

Журналда тоғ-чанги йўллари, мавсумнинг чўзилиш мuddати, телаликларнинг сони ва улардан мавсумда қанчалик фойдаланиш мумкинлиги, мавжуд меҳмонхоналар дам олувчиларнинг қанчасини қабул қила олиши ва бу ерда яшаш нарх-навои, хуллас, таътилиш Ўзбекистон тоғларида ўтказмоқчи бўлган сайёҳлар учун керакли барча маълумотлар эълон қилинган.

«Жаҳон» АА, Москва

РОССИЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

қишлоқлар қиёфасининг яхшилланиши ва бошқа кўплаб ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номи билан чамбарчас боғлиқдир”.

“Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий босимига қарамай, — дея таъкидлади бошловчи, — жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра мамлакат ялли ички маҳсулотининг ўсиши 8,2 фоизни ташкил этди, шу билан бирга иқтисодийнинг барча соҳала-

лумотлар берилди. “Ўзбекистон меъморий ва маданий қадриятларга бой бўлиши билан бирга халқининг анъаналарга ҳам бойлиги сайёҳларда ўчмас таассурот қолдиради”, дея таъкидланади кўрсатувда. Дастурда шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси Илҳом Незматовнинг “Буюк Ипак йўли”нинг дурдоналари саналган Самарқанд, Бухоро, Хива каби машҳур шаҳарлар нафақат ўзбек халқининг бойлиги ва

бағишланган мақола эълон қилинди. Миллионлаб россияликларнинг қишки севимли спорт тури ва тоғда дам олиш масканлари ҳақидаги барча маълумотларни олиш мумкин бўлган ушбу журнал Москва шаҳрида 1992 йилдан бери нашр этиб келинмоқда.

“Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон нафақат кўна шаҳарлари, балки маҳобатли тоғлари билан ҳам машҳурдир, — дея таъкидланади нашрда. — Бу ерда энг зўр тоғ-чанги ку-

Республикамиз мустақилликка юз туган даврнинг дастлабки кунларидан бошлаб, иқтисодий тараққиётга катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга иқтисодий ҳаётимизда бозор муносабатлари чуқурлашгани сари юзага келаётган ўзгаришлар янги бошқариш услубларини яратишни талаб этмоқда.

Қарор ва ижро

СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Республикамиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг дунё бозорига рақобат қила оладиган сифатга, ташқи кўринишига эга бўлиши билан бирга сифатни бошқариш тизимининг жорий этилиши ва ИСО 9001:2008 халқаро стандартлари талаби асосида иш юритилишига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Республикаимиздаги сифатни бошқариш тизими жорий этиладиган йирик корхона, ташкилотлар билан бирга тадбиркорлик субъектларининг ҳам ушбу рўйхатда борлиги шундан далolat берадики, истеъмолчининг ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизими жорий этилган корхоналар билан бирга хусусий тадбиркорларнинг ҳам маҳсулоти ва хизматининг сифати янги даражага кўтарилиши талаб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлда-

ги «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифат тизимларини бошқаришни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил август ойда «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ҳозирги кунда Республикаимиз бўйича 200 дан ортиқ ташкилотда сифатни бошқариш тизими жорий этилган ва халқаро стандарт талаблари асосида сертификатлаштирилди.

Ўқоридаги қарорларда ҳукуматимиз томонидан сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизимига эга бўлган корхоналарга қуйидаги имтиёзлар берилган:

— сифат тизимини жорий қилиш ва сертификатлаштириш учун сарф-қилган маблағнинг солиқ солинадиган базадан қайтарилиши;

— республика ҳудудида сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизимига эга бўлган корхоналарга олиб келинаётган лаборатория жиҳозлари ва маҳсулотларни тес-тдан ўтказишда фойдаланиладиган асбоб-ускуна-

ларга эътиёт қисмларнинг божхона божи ва қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилиниши;

— давлат эътиёллари учун маҳсулотлар харид қилиш юзасидан тендер савдолари ўтказишда тенг шароит бўлса, устунилик сифатни бошқаришнинг сертификатлаштирилган тизимига эга бўлган мамлакатимиз маҳсулот етказиб бериувчиларига берилиши бу ишлаб чиқарувчи хизматлар кўрсатуви корхоналарни молиявий томондан қўллаб-қувватлаш демакдир.

Сифат менежменти тизимида корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулоти ва кўрсатилган хизматларида истеъмолчининг сифат талаблари қондирилиши муҳимлиги катта рол ўйнайди.

Ҳозирги кунда «Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти томонидан сифатни бошқариш тизимини халқаро стандартлар талаби асосида сертификатлаштириш бўйича Республикаимиздаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан қисқа мuddатли семинарлар ва 36 соатлик ўқув курслари ташкил этилмоқда.

К.ЎТАЕВ,
Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти ходими



Тадбирлар БОЛАЛАР НАШРЛАРИ БАЙРАМИ

Пойтахтимизнинг хушманзара маскани бўлган Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўзгача тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

«Болалар матбуоти байрами» мавзусида ўтган мазкур тадбир «Гулхан» журнали ҳамда «Тонг юлдузи» газетасининг 80 йиллигига бағишланиб, унда шахримиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари, узок йиллардан бери уларнинг севимли ҳамроҳи бўлиб келаётган «Гулхан» журнали ва «Тонг юлдузи» газетасининг ижодий жамоаси ва меҳмонлар иштирок эттишти.

Айтиш жоизки, ёш авлод таълим-тарбиясига беминнат ҳисса қўшиб келаётган «Тонг юлдузи» ҳамда «Гулхан» журнали айниқса, мустақиллик йилларида ҳам сифат, ҳам мазмун жиҳатида юксалди. Матбуот байрамидида халқимизнинг севимли ижодкорлари — Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев сўзга чиқиб ушбу нашрларнинг тарихи, бугуни, уларнинг болалар тарбиясида туганган ўрнига алоҳида тўхталишди. Шунингдек, тадбирда болалар шоирлари мушоираси бошланиб, Т.Адашбоев, У.Абдуазимова, Қамбар ота, А. Акбар, О. Тўхта

ва К.Турдиевалар янги шеърларидан ўқиб бердилар. Севимли хонандалар ижросида қувноқ куй-қўшиқлар янграб, тадбирга ўзгача фойз киритди. Болалар матбуоти байрами доирасида ташкил этилган «Гулхан» журнали ва «Тонг юлдузи» газетаси фаолиятини акс эттирувчи фото кўргазмалар ҳамда нашрларнинг кўргазма савдоси барчанг эътиборини тортиди.

Тадбирда иштирок этган нашрларнинг собиқ бош муҳаррирлари, шу билан бирга журнал ва газетанин ижодий жамоасига Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ва бошқа бир қатор ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Шодиёна тарзда ва қизикarli ўтган болалар матбуот байрами йилгиларларда, айниқса ўқувчи ёшларда унутилмас таассурот қолдириди.

Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТДА: болалар матбуоти байрамидан лавҳа.

КИЧКИНТОЙЛАР ДАВОЛАНИБ ҚАЙТИШДИ

Тошкент халқаро аэропортида Жанубий Кореянинг Сеул Миллий университети госпиталига даволаниш учун жўнатилган ўзбекистонлик бемор болаларни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Болажонларни аэропортида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва жамоат ташкилотлари вакиллари кутиб олишди. Ҳар бир миллатнинг асосий бойлиги — оналар ва болалар саломатлиги ҳисобланади. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ёрдам бериш, уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш нафақат давлат ташкилотларининг, балки нодавлат ташкилотларининг асосий мақсадларидан би-

рига айланган. Жамғарма жорий йилда Жанубий Корея Республикасининг Сеул Миллий университети госпитали билан биргаликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқиб, ўзaro ҳамкорлик доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, соғлом авлоднинг тарбиялаш борасида қўллаб-қувватлаш нафақат давлат ташкилотларининг, балки нодавлат ташкилотларининг асосий мақсадларидан би-

рига айланган. Жамғарма жорий йилда Жанубий Корея Республикасининг Сеул Миллий университети госпитали билан биргаликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқиб, ўзaro ҳамкорлик доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, соғлом авлоднинг тарбиялаш борасида қўллаб-қувватлаш нафақат давлат ташкилотларининг, балки нодавлат ташкилотларининг асосий мақсадларидан би-

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
“Туркистон-пресс”

СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ: ТАҲЛИЛ, ТАНҚИД ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари ҳамда барча туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари иштирок этган йиғилишда солиқ идоралари томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида бажарилган ишлар таҳлил этилди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев бошқарилган йиғилишда мамлакатимизда солиқ сиёсатининг тобора такомиллаштирилаётгани ўз самарасини берганлиги таъкидланди. Хусусан, солиқ юкнини камайитириш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш бўйича олиб берилаётган ишлар иқтисодий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, тадбиркорларга берилган солиқ имтиёзлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шaroитида иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигини изчил таъминламоқда.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Респуб-ликасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрларини тўғрисида”ги қарори ижроси чуқур таҳлил этилди. Бу борада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани таъкидланди. Мазкур қарор талаблари Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари солиқ органларида етарли даражада бажарилмаётган. Улар томонидан давлат бюджетини ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумлар ижросини таъминлашда суст-кашликка йўл қўйилмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури асосида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижроси Фарғона ва Тошкент вилоятларида амалга оширилаётган ишлар миқсолида муҳокама қилинди. Жойлардаги маҳаллий ҳокимлик ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликдаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган тегиришлар сони қисқартирилганини муносабатан билан уларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги тадбирлар натижаси Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятлари мисолидаги танқидий таҳлил асосида кўриб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, солиқ тўловчиларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини камерал назоратдан ўтказиш асосида солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумлари тўлиқлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга доир чоралар белгиланди. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудида контрабанда йўли билан товарлар олиб кирилиши ва ноқонуний сотиш-лишининг олдини олиш борасида чегара ҳудудлардаги ишлар аҳоли таъкид қилиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда фаолиятида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани учун Фарғона вилоятининг Сўх тумани, Қашқадарё вилоятининг Миришкор тўғрисида ва Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари эғаллаб турган лава-возимдан озод этилди. Шунингдек, ҳудудий солиқ органлари раҳбарларининг 51 нафарига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди, 14 нафарининг фаолиятига кейинги ҳисобот даврлари якуни билан баҳо берилиши кайд этилди.

Ҳайъат йиғилишида келгусидаги долзарб вазифалар белгиланиб, жорий йилни муваффақиятли якунлаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

БИРИНЧИ ДАВРАДАН ЎТИШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарвоқе, анъанага кўра wild card — сараласиёз асосий жадалга йўлланма шунингдек, ўзбекистонлик Важа Узоқов, Рифат Биктяков ҳамда Тошкент турнирларининг доимий қатнашчиси ҳиндистонлик Роҳан Бопаннага берилди. Бироқ Иноятов каббни, уларнинг биронтаси ҳам бундай имкониятдан уну-умли фойдалана олмади. Жумладан, мамлакатимиз меҳмондўстлигини хуш кўриб, бу ерда ўтказиладиган турнирларда қатнашишни қанда қилмайдиган Бопанна кўрға натижаларидан қишлоқ тушунлиликка тушгандек бўлди. Дастлабки даврада у турнирда биринчи бўлиб сараланган тайванлик Ен Сун Лу билан учрашиб, ўйинни бой берди. Аммо қизини шундаки, ушбу рақиблик жуфтликда бирлашиб, айни пайтда чорак финал баҳсларига тайёргарлик кўришмоқда.

Ҳамюртимиз Арсен Асанов учун эса асосий жадалда қатнашиш қутилмаган ҳол бўлди. У саралаш ўйинларида жамоадoshi Сарвар Икромовга ютқазган бўлса-да, турнирда лаки-луза — баъзи ббир сабабга кўра «Tashkent Challenger—2009» кела олманган германиялик теннисчи ўрнини эғаллади 1 ва кечаги дастлабки баҳсда Биктяковни доғда қўлдирди.

«Tashkent Challenger—2009» мусобақасининг учинчи кун натижалари шу тарзда кечмоқда. Мазкур турнир доирасида эртага болалар теннис байрами ўтказилади. Яқшанба куни — финал ўйини бошлангувчи қадр турли идоралар раҳбарлари ўртасида «вип мусобақаси ҳам бўлиб ўтади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

«ҚўЛИ ГУЛДИР — ЎЗБЕК АЁЛИН»

Ёшлик талабалар шаҳарчасида «Қўли гулдир-ўзбек аёлин» деб номланган аёллар томонидан тикилган маҳсулотлар кўргазмаси иш бошлади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлик талабалар шаҳарчаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада республикамиздаги барча вилоятлардан ташриф буюрган тадбиркор аёллар уй шароитида яратган маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазмадан тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар, ранг-баранг тикув-бичув ва тўқувчилик ишлари, миллийлигимизни ўзида акс эттирган зардўзлик буюмлари, келинлар ва қизларга мўлжалланган қўйлак ҳамда дўппилар ўрин олган.

Ун кун давом этадиган кўргазмадан кўзланган мақсад тадбиркорликни ва касаначиликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни юксалтириш, рақобат-

бардош маҳсулотларни кўпайтиришга ҳисса қўшишдир. Шу билан бирга, қишлоқлардаги тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш, маҳсулотларини республикамиз миқёсида тарғиб қилиш ҳам кўзда тутилган.

— Худудимиз тоғли жой саналгани боис кўпроқ ангор эчкилари боқилади, — дейди Тошкент вилояти Ангрэн туманилик тадбиркор Малика Ўлмасова. — Шу тоғ эчкиларининг жунидан аёллар учун рўймол тўқиймиз. Фаолият бошлаганимизга етти йилдан ошди. Бу фурсат ичида кўплаб маҳаллий кўргазмаларда иштирок этдик, маҳсулотимизга янги харидорлар топдик.

Азима ҚИЁСОВА,
“Туркистон-пресс”

Хатлар — хаёт ойнаси

ОНАХОННИНГ ДИЛ ИЗХОРИ

— Мен етмиш саккиз ёшдаман. Етти нафар фарзанднинг онаси, ўн еттита невава ва тўртта эваранинг меҳрибон бувисиман. Умримнинг ўтаётган ҳар бир лаҳзасига шуқроналар келтириб яшаб келаяман. Ўтган йили кўзим секин-аста хиралашиб сўнгра бутунлай кўрмай қолди. Ушанда ўзимни жуда ночор сезгандим. Фарзандларим кўмаги, набираларимнинг мадади билан шифохоналарда узок ётиб даволандим, кўз нуриям озгина бўлсада тикланди-ю аммо қорачиларимни парда қоп-

лаб хира кўра бошладим. Ушандагина кўз одамзотнинг ҳақиқий гавҳари эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Олдингизга кимдир келса-ю унинг кимлигини аниқ билмасангиз, ташки олам чиройини, фарзандларингиз дийдорини асл ҳолича кўролмасангиз, кўшининг бебаҳо нурларидан бахраманд бўлолмасангиз кўнглингиз кундан-кунга чўкиб кетаверар экан. Ушандай азобли кунларимнинг бирида катта ўғлим мени яна бир касалхонага олиб боришини маълум қилди. Аввали-

Яқинда тахририятимизга шахримизнинг Учтепа тумани, «Тақачи» маҳалласидаги 104-хонадонда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси, иккинчи гуруҳ ногирони Саломат ая Нарзуллаева қизлари билан ташриф буюриб, ўзларининг дил сўзларини ҳеч бир ўзгартирившиз газетамиз саҳифаларида чоп этишимизни илтимос қилдилар. Биз имкон даражасида уларнинг сўзларини айнан ўз ҳолича келтиришга ҳаракат қилдик.

га рози бўлмадим. Холбуки, ўтган йилнинг деярли уч ойи давомида шифохонада ётиб даволанганман. Оғриқли уколларга ҳам, оғриқ қолдирадиган дориларга ҳам ҳушим йўқ, қолган умримни шу хира кўзларим билан ўтказишга ҳам рози эдим. Аммо невараларим ва фарзандларим жуда яхши бир шифохонага боришимизни, кўзим албатта бутунлай кўра оладиган бўлишини айтишди. Хира кўзларимда шифокор муолажаси оғригини олдиндан ҳис қилиб, минг бир ҳаёлга борсамда рози бўлдим. Биласизми, инсон неча ёшга кирмасин ба-рибир доимо кўзларида нур

бўлишини, узок ва яхши яшашни истайди. Негаки сени яхши кўрувчи яқинларинг ёнида, улар кўзидаги, юзидаги шодлик ёки гамни кўрмай яшашдан ёмони йўқ. Мен тиббиётнинг шу қадар ривожланиб кетганини билардим аммо кўз нурларим қайтишига рост, ишонмагандим, бироқ барака топгур шифокорлар мени оламини яна бутун таровати билан кўриш бахтига муяссар қилишди. Улардан жуда миннатдорман, ҳаётимнинг сўнгги йилларида умримга мазмун, кўзларимга нур бахш этгани учун Республика иختисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази

шифохонаси шифокорлари, ширинсўз ҳамшираларига чин дилдан раҳмат айтиб, юракдан дуо қиламан. Шундай дориларомон кунларга ётиб тинч, хотиржам ва фаровон яшаётганимиз, тиббиётнинг бу қадар юксалиб кетаётгани учун Президентимизга миннатдорчилик билдираман. Агар имкон ва вақт топиб меъни даволаган шифо масканига бориб бир мақола ёзсангизлар жуда ҳам хурсанд бўлардим.

Биз онахонни кузатиб қўйганимиздан сўнг орадан бир ҳафта ўтиб улар айтган шифохонага бориб, у ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишдик.

Тиббиёт

КЕНГ КЎЛАМЛИ ДАСТУР

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида янги ташкил этилган кафедра ўз фаолиятини кенг йўлга қўйиб олди.

Соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғини шифокорлари малакасини ошириш билан шуғулланаётган бу кафедра шу йўналиш бўйича ўқув дастурини ҳам тайёрлади. Туман соғлиқни сақлаш бўлимларининг етакчи мутахассислари учун уюштирилаётган машғулотларда тиббиёт тизимининг буғунги талабларига доир илғор тажрибалар ҳам оммалаштирилмоқда.

ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ

Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида уюштирилган конференцияда янги даволаш усуллари самарадорлигини таъминлашга доир масала муҳокама қилинди.

Хасталиқнинг диагностикаси, профилактик ҳамда терапевтик услублари бўйича қилинган маърузаларда орттирилаётган бой тажрибалар умумлаштирилди.

Илмий муассаса томонидан ўтказилган илмий экспедиция ҳам қутулган натижа берди. Ушбу тадбир доирасида тўпланган энг яхши материалларни рисола сифатида чоп этиш режалаштирилди.

САМАРАЛИ МУОЛАЖАЛАР

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг травматология ва ортопедия институти негизида фаолият кўрсатаётган спорт жароҳати республика маркази ташкил этилганига ўн йил бўлди.

Шу йўналишларда жароҳат олганлардан талайгинаси ўз саломатлигини тиклади. Артоскоп аппарати ёрдамида жароҳлик жараёни йўлга қўйилди. Германиядан олиб келинган бу қурилма шифохонанинг бошқа бўлимларида ҳам қўлланилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН БОЙИДИ

Кейинги йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти бўлимлари энг замонавий асбоб-ускуналар билан бойиди.

Олий ўқув юрти клиникасининг пластик хирургия бўлими ҳам четдан олиб келинган мураккаб тиббий аппаратларга эга бўлди. Бу эса жароҳлик амалиётини муваффақиятли адо этиш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўзида бўлим шифокорлари томонидан ўтказилган операциялар натижаси ўлароқ 50 нафарга яқин бемор боланинг саломатлиги тикланди.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

Мамлакатимизда кардиология соҳасини янги босқичга кўтариш жараёнида профилактик, клиник ва фундаментал кардиологиянинг замонавий йўналиши ҳам ривож топди.

Республика иختисослаштирилган кардиология марказида эса «Юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш, даволаш, ташхис қўйиш борасида янги ёндошувлар» деган даволаш йўналишига ҳам амал қилинмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Республика иختисослаштирилган кўз микрохирургия маркази 2007 йилдан буён Учтепа туманида янги бунёд этилган бинода ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Реконструкция учун бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарф қилинган мазкур марказ дунёнинг нуфузли компанияларида тайёрланган офтальмологик асбоб-ускуналари билан жиҳозланиб, замонавий текшириш, даволаш ва жарроҳлик усуллари муолажалар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда ушбу муассасанинг бош шифокори Зафар Сиддиқов шундай дейди:

этаётган, даволаётган, қайта нур бағиш-лаётган, асосийси дардини енгиллаштириб, ёрдам бераётган экан бу бизнинг вазифамиз, бурчимиз ва ютугимиздир. Мутахассисларимизнинг малакасини оширишга ва ўз устларида изланишларига ҳам жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Марказимизнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 30 дан ортиқ мутахассис шифокорларимиз АҚШ, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Қозо-

ғистон ва Россия каби хорижий давлатларнинг офтальмологик клиникаларида ўз малакаларини ошириб келдилар. Шунингдек, улар халқаро илмий-амалий анжуманларда ўзларининг мақола ва маърузалари билан фаол иштирок этмоқдалар. Юқорида номлари зикр этилган онахонимиз каби кўп-кўп қарияларнинг дуосини олишдек бахтга эришаётганимизнинг ўзи бизга янада маъсулият юклайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Хатжилдларни қайчилаганда

ХОЛИС ХИЗМАТ

Хурматли тахририят! Газетангиз саҳифалари орқали Ўзбек Телеком АҚТШ филиали раҳбариятига, Марказий телефон боғламаси миқозлар бўлими вакиллари менинг миннатдорчилигимни етказиб қўйсангизлар, сизлардан жуда хурсанд бўлардим.

Уйимга телефон ўрнатилмаган эди, ўзим ногирон бўлганим сабабли телефонсиз жуда қийналардим. Аммо юқоридаги ташкилот мутасаддиларининг ёрдами билан бир кунда телефонли бўлдим. Улар ҳаттоки телефон аппаратини ҳам ўзларидан ўрнатиб беришди. Тўғри, бу шунчаки арзимас бир хolis хизматга ўхшаши мумкин, лекин мен учун катта ёрдам бўлди. Бир-биримизга ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш инсонийлик бурчимизга кирди, аммо баъзида ёнимиздаги яқин инсонларимиз бунини унутиб қўйишди ёки қўлларидан келган ёрдамни ўз биродарларига ҳам раво қўришмайдилар.

Меҳр-оқибатли бўлиш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш қандай яхши.

Мурот Жўраев,
1 гуруҳ ногирони

Юнусобод тумани, «Оқтепа» маҳалласи Юсуф Мўминов кўчаси, 28-хонадон.

Қўллари дард кўрмасин

Нуронийлар оромгоҳи биз учун жуда қадрили маскан бўлиб қолди. Ушбу оромгоҳга турмуш ўртоғим билан иккинчи бор ташриф буюрдик. Бу ерда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар қўнғилдагидек қилиб яратиб қўйилган. Айниқса, шифокор ва ҳамшираларнинг меҳрибонлиги, ширинсўзлиги ва эътиборидан дилимиз яйраб кетди. Дам олиш ва даволаниш баробарида шахримизнинг диққатга сазовор жойлари, муқаддас қадамжоларини ҳам зиёрат қилишга мушарраф бўлдик.

Мен шу гўзал ва кўркем масканда мириқиб дам олиб, даволанган барча инсонлар ва ўз номимдан Нуронийлар оромгоҳи раҳбариятига, унда фаолият олиб бораётган шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа ходимларга чин кўнғилдан миннатдорчилик билдиarmoқчиман. Ҳамиша биз-каби отахон ва онахонларнинг дуосини олиб юриш каби олий бахт уларга ҳамроҳ бўлаверсин. Қўллари дард кўрмасин.

Акбар НАБИЕВ,
меҳнат фахрийси



Эътироф

ШАҲРИМ ШАҲНИНГ КЎЗГА ТЎТИЁ

Мустаҳкам эътиқод,
нурли йомонни
Кўрмоқчи эдим мен,
Тошкентда кўрдим.
Ҳалол дастурхонини,
уйғоқ виждонни
Кўрмоқчи эдим мен,
Тошкентда кўрдим.

Азим шахрим, таърифингни таърифлашга тилларим лол, маҳдингни тараннум этишга эса қаламим ожизлик қилади. Дурдай дурдона сўзларни бўйинингга тумор каби илиб қўйгим келади. Жамолнингга жоним тасаддуқ бўлсин дейману энг гўзал сатрлардан иборат нимадир ёзгим келади.

Қараган сайин кўрку жамолнингдан кўзларим қамашиб кетгандай бўлаверди. Қалбим эса фахр ва ифтихор туйғуларига лиммо-лим. Тўрт томонинг гулу гулзорларга бурканган. Азим теграанда алп бинолар қад ростлаб турибди. Осмонлар биноларинг узра хур қабуларлар, оқ лайлақлар парвоз қилмоқда. Ен-атрофингда эса, ҳамиша тинчлик куйлари янграйди. Зилол ва шафқат суварларининг тўлқинларида биз каби юрғи қайноқ ёшларнинг ойдин орзулари сузиб юрибди.

Шаҳрим баргинда униб ўсдим. Камол топдим. Сенинг маҳдингни таърифлаш бахтига сазовор бўлаётганимдан жуда, жуда мамнунман.

Зилола ШАРИПОВА,
Низомий номидаги ТДПУ талабаси

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Мен кўп қаватли уйда истиқомат қиламан. Уйимиз олдидаги икки сотих ерга 200 тул терак эқдим. Тераклар улғайгач уларга эгаллик қила оламани, хоҳлаганимни кесиб эҳтиёжларим учун ишлата оламани?

Учтепа тумани Раҳимбоев кўчаси, 52-уй, 22-хонадонда истиқомат қилувчи Нодира Пўлатбоева.

— Вазирлар Маҳкамасининг 508-сонли Қарорига асосан, Ўрмон фондига кирувчи кўп даштарлари ва булалари кесил-га фақат Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси билан келишув бўйича маҳаллий давлат ҳокимият органлари Қарорига

кўра бинолар, иншоотлар ва коммуникация қурилиши билан боғлиқ санитария кесил-лар тартибиде йўл қўйилади.

Шокир БОҚИЕВ,
Тошкент шаҳар Табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг катта давлат назоратчиси

Хурматли тахририят ходимлари, сизлардан илтимос, ўзбек тилидаги китоб илк маротаба қачон ва қим томонидан чоп этилган. Ушбу саволимизга жавоб берсангиз.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари Жасур Ҳамдамов, Алишер Юсупов.

Мактуб кўнғил ойнаси, дил малҳами, қалб ороми ҳисобланади. Азизлар, газетамизнинг ҳар ойда бир марта чоп этилган «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси яна сизлар билан. Унда ҳамшаҳарларимизнинг дил номалари битилган хатлари, талаб ва тақлифлари, эътироф-у эътирозлари, муносабатлар билдириб ёзган шахсий фикрлари, шингил ҳаётий воқеалари акс эттирилган кичик ҳикоялари билан танишиш имконига эга бўласиз.

Шунингдек, ечимини топмаган саволларингизга мутахассисларимиз жавоб беришга ҳаракат қилишади. Қалбнингизни хавотирга солаётган, дилингизга озор бераётган муаммоларингизни, қалб номаларингизни биз билан баҳам кўринг. Сизни тинглашга, ёрдам беришга, хатларингизни чоп этишга ҳамиша тайёрмиз.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел: 233-29-55

Маҳалла

СЎЛИМ ОРОМГОҲГА МАРҲАМАТ

Собир Раҳимов туманидаги Хожа Баҳоуддин Нақшбанд номли маҳалла ҳудудида ҳар йили янги қурилишлар, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Кунни кеча очилиб, ўз фаолиятини бошлаган «Она-болалар оромгоҳи» ҳам фикримизга далилдир.

Шу кунни шаффоф фавворалар ҳамда ороланган ўриндиқлар, ўйин анжонлари, барча шароитлар мавжуд мўъжаз оромгоҳга маҳалла аҳли йиғилди. Тўқин дастурхон атрофида жам бўлган ёш кекса «Ал-Фажру» МЧЖ томонидан бунёд этилган бу маскан маҳалла кўрқига янада кўрк қўшганини таъкидлашди.

Ушбу оромгоҳнинг очилишига бош-қош бўлган «Ал-Фажру» масъулияти чекланган жамияти, унинг жонқуяр раҳбари Дилшод Акбаров ва тадбиркор Ботир Акбаровга маҳалла аҳли номидан чексиз миннатдорчилик изҳор этамиз, — дейди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд маҳалласи оқсоқоли Шуҳрат Усмонов. — Таъкидлаш керакки, шу ерлар бундан уч-тўрт ой олдин чикиндиҳона бўлиб ётарди. Жамиятнинг ташаббуси билан, маҳалла аҳлининг бегараз ҳашари натижасида бугун мана шундай кўркем оромгоҳга эга бўлиб

турибмиз. Муҳтарам Юртбошимиз айтган эдилар «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Қилаётган ҳар бир иш ушбу буюк ниятнинг ижобатидир.

«Ёшлик» талабалари шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев, маҳалла аҳли ва ота-хонлар номидан меҳнат фахрийси Лолахон ая Ражабовалар билан, маҳалла аҳлининг бегараз ҳашари натижасида бугун мана шундай кўркем оромгоҳга эга бўлиб

қимизга хос азалий одат, — дейди биз билан суҳбатда «Ал-Фажру» МЧЖ ходими Ботир Акбаров.



— Мустақиллик йилларида ушбу хайрли удум янгича мазмун-муҳият касб этди десак тўғри бўлади.



ди. Оромгоҳнинг шундоққина «Сокина» тантаналар уйининг ёнида эканлигига эътибор бергандирсиз. Бу жойлар қанчалик обод, озода бўлса шунчалик дилтортарлик касб этаверади. Жамоамиз келажагимиз бўлмиш болажонларимизга арзигулик тўхфа қилишди деб ўйлайман. Юқоридаги каби дил сўзларидан сўнг оромгоҳ бир зумда ширинтойларнинг шодон кулгуларига тўлди. Унинг саҳнини тўлдириб шеърлар, қўшиқлар ижро этган 106, 509- мактабгача таълим маассасалари тарбияланувчиларининг қувноқ чеҳралари барчага бирдек завқ-шавқ улашди. Шу кунни халқимиз миллий таомилига кўра ош тортилди. Хушовоз хонанда Абдулла Фафуров мумтоз кўшиқлар ижро этиб йиғилганларни хушнуд этди. Шавкат КАҲҚОРОВ СУРАТЛАРДА: маҳалланинг сўлим оромгоҳидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар

Спорт янгиликлари

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Данияда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича уюштирилган жаҳон чемпионати Ўзбекистон терма жамоасига медаллар шодасини тақдим этди.

Юнон-рум кураш баҳсларида 60 килограмм вазн тоифасида омадини синаб кўрган Дилшод Орипов финалгача бўлган беллашувларнинг барчасини галаба билан якунлади. Бироқ финалда Пекин Олимпиадаси чемпиони россиялик Ислонбек Абдиевга рўбарў келган ҳамюртимиз рақибига имкониётни бой берди ва жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан тақдирланди. Кувонарлиси, 75 та мамлакат вакиллари орасида ташкиллаштирилган ушбу жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, битта кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

МИРАЛИ — ФОЛИБ

Латвиянинг Рига шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган халқаро турнир мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Мирали Шариповга омад келтирди.

Тўртинчи бор ташкил этилган ушбу турнирда 66 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан спортчимиз финалда латвиялик Денис Козловни катта устунлик билан мағлуб этди ва бош совринни қўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

ХАНДАЛАР

Машҳур жарроҳдан сўрашди: — Айтишларича, айрим жарроҳлар зарурати бўлмаса ҳам тирикчилик юзасидан ҳожати бўлмаган операцияларни қилаверишармиш. Шу гап тўғрими?

— Бўлмаган гап. Мен фақат пул зарур бўлгандагина операция қиламан.

Кекса жарроҳнинг кундангидан: «Инсоннинг қалбини яхшироқ тушуниш учун аввало уни сўғуриб олиш керак».

Самолёт учушидан олдин спардесса йўловчиларга резина сақич тарқатаркан, деди: — Бу нарса кулоқларингизни шовқиндан асрайди!

Самолёт манзилга қўнган, бир кампир спардессадан сўрайди: — Қизим, энди ҳалиги нарсангизни кулогимдан ким олиб ташлайди?

Икки мол дўхтири филни операция қилишарди. Иш ниясида улардан бири сўраб қолди: — Уйлашимча, бу гал ичкарида биронта буюмни унутиб қолдирмагандирмиз? Дарвоқе, ҳамширамиз кўринмайди!..

Рухий касалликлар профессори касалхонага келиб, беморларни кўридан ўтказарди. У бош шифокордан сўраб қолди: — Касалнинг соғайганини қандай аниқлайсизлар?

— Э бунинг йўли осон, — дея жавоб қилди шифокор. — Ваннага сув тўлатиб, ёнига қошиқ қўйиб қўямиз ва касалдан ваннани сувдан бўша-тишни сўраймиз. Агар бемор қошиқни олиб иш бошласа биламизки у ҳали тузалмаган. Мабодо ваннанинг тағидида қоқоқни бураб бўшатса соғайгани маълум бўлади.

— Э қойил! Бу нарса шахсан ўзимнинг ҳам эсимга келмасди. Мен чалакни ишга солардим. Шодмон ОТАБЕК тайёрлаган

САРДОРЛАР МАКТАБИДА ИМТИҲОН

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида ташкил этилган Сардорлар мактаби икки мингдан зиёд ёшларни ўзида бирлаштирган.

Мазкур мактабга аъзо бўлиш учун 12-22 ёшгача бўлган иқтидорли, истеъдодли, жамоатчи, фаол ва намунали хулқа эга ёшлар тўрт босқичли синовдан ўтиши лозим. Кунни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши негизда Сардорлар мактаби аъзолигига қабул қилиш маросими ўтказилди. Тадбир доирасида ёшларнинг иншо, тест, суҳбатда билим ва тафаккури ҳамда етакчилик қобилияти имтиҳон қилинди.

Маълумки, мактаб аъзолари ташкилотчилик, етакчилик ва сардорлик йўлида юксак даражада бўлиши бош мақсад ҳисобланади. Бу борада ушбу мактаб бир қатор саъй-ҳаракатларни амалга ошираётир. Жумладан, етук фан арбоблари, сиёсатчилар, маънавият-маърифат тарғиботчилари ва партия етакчилари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ва учрашувлар ташкил этилаётир.

Сардорлар мактаби ёшларда изланувчанлик, интилувчанлик салоҳиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир мингдан зиёд кириш имтиҳонларида қатнашган ёшлар орасидан энг яхши натижа кўрсатган ва изланувчан ёшлар Сардорлар мактабига саралаб олинди.

Фарҳод УМАРОВ, ЎЗМУ талабаси

харакатларни амалга ошираётир. Жумладан, етук фан арбоблари, сиёсатчилар, маънавият-маърифат тарғиботчилари ва партия етакчилари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ва учрашувлар ташкил этилаётир.

Сардорлар мактаби ёшларда изланувчанлик, интилувчанлик салоҳиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир мингдан зиёд кириш имтиҳонларида қатнашган ёшлар орасидан энг яхши натижа кўрсатган ва изланувчан ёшлар Сардорлар мактабига саралаб олинди.

Фарҳод УМАРОВ, ЎЗМУ талабаси

Қатрлар

ИНСОН МЕҲРИ

Дехқоннинг ерга меҳри борки, ризкимиз мўл, Вантан қудратли. Боғбоннинг ниҳолга меҳри борки, дастурхонимиз меваларга мўл ва гўзал. Қурувчининг ўз касбига меҳри борки, юртимиз обод, турар-жойимиз бут. Шифокор меҳрибон элда омонлик ва соғлиқ бор.

Инсоннинг инсонга бўлган меҳри-чи, ўша жамияти меҳрларга байроқдор десам муболаға бўлмас ёки сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг шеъри билан айтганда: — Зўрға иккитасини. — Мен бир ойда ўн бештасини ёдладим. Сенникидан хотирам зўр экан. — Хотирамдан нолимайман. Битикларнинг ҳар бир сатрини амалий иш билан боғлаб ёдлаганим учун вақтим кўпроқ ўтди. — Ўқиб ёдланса-ю, унга амал қилинмаса ундан нима фойда? — дея суҳбатдошларнинг суҳбатига яқун ясади, уларнинг суҳбатини эшитиб турган бир тингловчи.

Фани АБДУЛЛАЕВ

АМАЛДА БЎЛСИН

— Бир ойдан буён шу китоб қўлимдан тушмайди. Ҳикматли битикларни қайта-қайта ўқиб, маза қилияман. — Кўпини ёддан биларсан.

— Зўрға иккитасини. — Мен бир ойда ўн бештасини ёдладим. Сенникидан хотирам зўр экан. — Хотирамдан нолимайман. Битикларнинг ҳар бир сатрини амалий иш билан боғлаб ёдлаганим учун вақтим кўпроқ ўтди. — Ўқиб ёдланса-ю, унга амал қилинмаса ундан нима фойда? — дея суҳбатдошларнинг суҳбатига яқун ясади, уларнинг суҳбатини эшитиб турган бир тингловчи.

Фани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 10 ноябрь кунни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Яққасарой туман СИБ томонидан тақдоран қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Дамас» русумли, д/р 10AQ906 бўлган, 2005 йилда и/ч С.Раҳимов тумани, Себзор жарима майдончасида сақланган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.12.08ж, №1137/2008). Бошланғич баҳоси — 7 313 972 сўм. 2. «Ниссан Мурано» русумли, д/р М86-86 бўлган, 2008 йилда и/ч Тошкент ш. ИИББ ЙОХБ карашли 1-сонли махсус жарима майдонида сақланган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.04.09ж ижро варақа). Бошланғич баҳоси — 57 348 000 сўм. «Мўйноқ» жарима майдонида сақланаётган асосан хатланган: 3. «Нексия ГБА СНГ» русумли, д/р 18M7004 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 164 930 сўм. 4. «Нексия» русумли, д/р 30Z6799 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 165 850 сўм. 5. «Нексия Донс» русумли, д/р 30E7447, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 708 090 сўм. 6. «Нексия» русумли, д/р 30R5777 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 582 080 сўм; 7. «Нексия» русумли, д/р 30R2922 бўлган,

2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 260 510 сўм. 8. «BA3-21074» русумли, д/р 18N0785 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 98 610 сўм. 9. «BA3-21070-120-21» русумли, д/р 1000540 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 864 640 сўм. 10. «BA3-21093» русумли, д/р 18B0058 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 254 010 сўм. Мазкур автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг «Илпак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО-01036, ИНН:200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rktmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2811 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Оз-Оз ўрганиб домо бўлу

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР Бугун гар экмасанг, эрта бировлар ҳосил ўрганда Надоматлар чекарсен қилмишингдин ўртаниб бисёр.

Кўриб гоҳида бир нолайик ишни, кўзин юмгаймен, Агарчи чорасин кўрмоққа мен қодирмену мохир. Бул нафасларким олурсен, бил, санокликдир бари, Ул — ҳаётнинг бир дами, ҳар дамга этгил эътибор.

Тонгда айру бир нафасдир, шомда айру бир нафас, Турмагил гафлатда, зое ўтмасин умри дароз. Сен илм этгил талаб, тонгдир бу, оқшомдир, дема, Баҳри илм ичра бўлурсен бир кунни фаввоси хос.

Бадгумон бўлма, қазага ҳам қадарга бўл ризо, Тут мудом нафсингни хуш, осойиш ўтсин ҳар нафас. Бор эса қайғу-алам, бордир қувонч ҳам бегумон, Кеча-кундузлар кечар, етгай насибанг сенга, бас.

Тегмасин касри, ёмонлардин ўзингни эт халос. Марди комил ким десанг, ўз айбини кўргувчи ул, Калтабин ким, нафс учун сарсон бўлиб юргувчи ул.

Яқин бўл кимсага, гар кимса дўстлик айламоқ истар, Йироқ бўл кимсадин, ул кимсаким сендин йироқ истар. Саломатлик баҳосиздир, баланд бил қийматин, инсон, Машаққатларни ҳам лекин ўзинга тутмагил арзон.

Ҳар муродингким, йироқлардин кўрингай улгуси, Гар июнат этса Ҳақ, сенга муяссар бўлгуси. Лаимни этма иззат, иззатинг беҳудадир, зое, Бу кори нораводир, норавога лутф ўлур зое.

Асл дўстинг яшар сидку садоқатни аён айлаб, Сенинг фойдангни ўйлар ўзига гоҳи зиён айлаб. Карам, хусни фазилат бирла инсон руҳи порлоқдир, Вале ҳимматни миннат айламак — елга совурмоқдир. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 5